# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

2015 ЙИЛ 10 АВГУСТ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 162 (12.975)

Баҳоси эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли китоби «Ўзбекистон» нашриёти томонидан кўп минг нусхада чоп этилди.**




Маълумки, 2015 йил 29 март куни юртимизда улкан сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтди. Ҳар томонлама юқори савияда, муқобиллик асосида ўтган бу сайлов мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида муҳим, ҳал қилувчи босқич бўлиб, халқимизнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончи нақадар мустаҳкам экани, унинг сиёсий-ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги, Ватанимиз тақдири учун дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Конституциямиз, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик тамойиллар асосида ўтказилган ушбу сайловда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовга овоз берди. Бундай ёрқин ғалаба, ҳеч шубҳасиз, Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этиш йўлидаги беқиёс хизматлари, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг халқимиз томонидан юксак эътироф этилгани ва якдиллик билан қўллаб-қувватланганидан далолат беради.

Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги 20 дан зиёд учрашув ва анжуманларда, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари билан учрашувларда, иккала палатанинг қўшма мажлисида, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан учрашувларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқ ва маърузаларида, шунингдек, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга эга ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилган ана шу чиқишларда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтариш, унинг иқтисодий қудратини ошириш, ижтимоий соҳалар – таълим-тарбия, илму фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини изчил ривожлантириш, аёллар, кексалар ва ёшларимиз учун янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳар бир ҳудуд ва минтақани равнақ топтиришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликларнинг моҳияти, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган.

Мазкур тўпламнинг бош ғоясини қуйидаги сўзларда мужассам бўлган энг муҳим ўзак фикр ташкил этади: **«Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда «Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим»**.

Ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли теран таҳлил қилиниб, бу ҳаётий саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоблар берилгани нашрнинг қимматини янада оширади.

Ушбу китобни мутолаа қилар эканмиз, ҳар бир масалага халқимизнинг миллий манфаати ва яна бир бор миллий манфаати нуқтаи назаридан ёндашиш, теран қиёсий-таҳлилий мушоҳада, тарих, замон ва келажакни бир бутун диалектик ҳодиса сифатида кўриш, ҳар қандай мавзуда жўшқин баҳс ва мулоқотга тайёрлик – буларнинг барчаси мустақил ўзбек давлатининг асосчиси, дунё миқёсида тан олинган йирик давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримовнинг сиёсий услубига хос бўлган ёрқин хусусиятлар эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда беқиёс аҳамият касб этадиган мазкур китоб ҳозирги ва эртанги кунимизнинг энг устувор йўналишларини ўзида мужассам этиб, янги ва яқин тарихимизнинг ҳали биз тўла англаб етмаган кўплаб қирраларини кашф этишда, жамиятимизнинг тараққиёт фалсафасини, мамлакатимиз ва халқимиз келажаги, унинг равнақини белгилаб беришда, айниқса, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**(ЎзА)**

*Мустақиллик! Ватанимизга ҳурлик, озодлик, шодумонлик, ҳар соҳада улкан муваффақиятлар олиб келган, мамлакатимиз довруғини дунёга таратган буюк неъмат. Унинг ҳар бир йилида бунёдкорлик, тараққиёт, фаровонлик ва юксалиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик санасини учтепаликлар ҳам муносиб ютуқлар билан кутиб олишга шайланган.*







## УЧТЕПА ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ, ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР САРИ

Шаҳримиз миқёсида ўзига хос нуфузга эга туманнинг ҳудудларини кезар эканмиз, сидқидилдан меҳнат қилаётган аҳолининг нурли чеҳраларига дуч келаверамиз. Уларнинг ҳар бирининг қалбида келажакка бўлган ишонч, юртимизга бўлган меҳру муҳаббат туйғуларини илғаб олиш унчалик қийин эмас.

Учтепа тумани Чилонзор, Шайхонтоҳур ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани билан чегарадош ҳудудда жойлашган бўлиб, 2800 гектар ерни қамраб олган. Туманда бугунги кунда 251,6 минг аҳоли истиқомат қилади. 53 та маҳалла, 33 та умумтаълим мактаби, 50 та мактабгача таълим муассасаси, 11 та олий ва ўрта таълим маскани, 5 та болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси, бешта шифохона, олтита оилавий поликлиника фаолият юритмоқда. Жумладан 13 та стадион, 3 та спорт комплекси, 58 та спорт зали, 5 та спорт клуби, 183 та спорт майдончалари туман ёшларига самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида замонавий ва рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида туман иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Бугунги кунда туманда саноат тармоғида 3 та асосий йирик ва 1386 та кичик бизнес субъектлари фаолият юритиб келмоқда. 2015 йилнинг январь-июнь ойларида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан 30 та лойиҳа ишга туширилиши ва 206 та янги иш жойлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 49 та лойиҳалар ишга туширилиб, 4736,9 миллион доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди ва бунинг ҳисобига 469 та янги иш ўринлари яратилди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда кўрсатилаётган эътибор натижасида туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги улуши ўсиб бормоқда.

Шунингдек, кичик бизнес субъектларининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши 90,1 фоизни, асосий капиталга киритилган инвестициялар улуши 84,2, чакана савдо кўрсаткичлари 77,6, пуллик хизматлар 56,0 ва қурилиш ишлари эса 93,2 фоизни ташкил этди.

Янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш бўйича ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Олти ой давомида 3001 иш ўринлари яратилиб, амалдаги иш ўринларини яратилиш режаси юз фоизга бажарилди.

Туманда бугунги кунга келиб жами 647 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларга 167 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатиб келмоқда. Туман бўйича 17854 м² йўлаклар таъмирланди. 9 та болалар майдончаси қурилди, 22 тасида таъмирлаш ишлари олиб борилди. 17 та кўп қаватли уйнинг том қисми мукаммал, 415 тасида жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. 43 та кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатилди. Кўп қаватли турар жойлар ва иқтисодиёт тармоқларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида банклар томонидан етарлича пул маблағлари ажратилиб берилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, учтепаликлар Мустақиллигимизнинг қутлуғ йигирма тўрт йиллик шодиёнасини ҳар соҳада муносиб ютуқлар билан кутиб олишга тараддуд кўрмоқда. Айтиш жоизки, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг фаровонлигини янада оширишга қаратилгандир.


**(Учтепа туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)**


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***Хабар қилинганидек, 2015 йил 7 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.***

Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини «Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида даромад ва мол-мулк солиқлари юзасидан икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида 1999 йил 7 сентябрдаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Берлин, 2014 йил 14 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Баённомада амалдаги Битимга солиқ соҳасида ахборот алмашиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш бўйича икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган тузатишлар киритилиши назарда тутилаётганлиги таъкидланди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Баённоманинг қабул қилиниши икки мамлакат ўртасида солиққа доир ахборот алмашиш жараёнини тезлаштиришга, солиқлар тўлашдаги турли суиистеъмолликларга қарши курашишга, шунингдек, резидентлар томонидан тўланмаган солиқларнинг томонлар бюджетларига ўз вақтида келиб тушишига кўмаклашади.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар. Таъкидландики, ўтган йилда Марказий банкнинг фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қарорида белгиланган вазифаларни сўзсиз бажаришга қаратилди.

Ҳисоботни эшитиш чоғида қайд этилганидек, ҳисобот йилида банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 23,8 фоизни ташкил этди, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган норматив талаблардан 3 баравар ортиқдир. Банк тизими барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири ҳисобланган жорий ликвидлик даражаси бир неча йил давомида 64,62 фоиздан ортиқ бўлмоқда, бу эса халқаро кўламда белгиланган энг кам даражадан 2 баравар юқоридир. Ҳисобот йилида банк активлари 28,2 фоизга ошди ва 56,2 триллион сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан таклиф ва тавсияларни билдирдилар.

Жумладан, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банкларнинг ресурс базасини такомиллаштиришга ва янада мустаҳкамлашга, банк хизматларини диверсификациялашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришни давом эттиришга, шунингдек, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришга, иш ўринларини ташкил этишга ва аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил рўёбга чиқарилишини давом эттиришни тавсия этдилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот Сенат томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги ҳамда қатор хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.


*(Давоми 2-бетда)*


## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги олдидан «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни эгаллаган 11 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қатнашди.**

**● Фарғонада Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» эзгу ғояси остида ўтказилган танловда 19 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи баҳслашди. Фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари холислик, ошкоралик ва тенглик тамойиллари асосида баҳоланди.**

**● Қашқадарёда «Давлат бошқаруви органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклиги – нодавлат нотижорат ташкилотларининг дастурлари, жамоат ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларнинг самарали ва сифатли бажарилиши кафолати» мавзусида ўтказилган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбир доирасида «Қонунларни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий давлат дастурларини ишлаб чиқишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида давра суҳбати ҳам ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Москва вилоятидаги Истра сув омбори устида гидроплан ва вертолёт тўқнашуви натижасида 8 киши ҳалок бўлди. ФВВ расмий сайтидаги хабарга кўра, Cessna-206 гидросамолёти бортида беш киши бўлган, улардан икки нафари болалардир. Robinson-44 вертолёти бортидаги тўрт кишидан бир нафари ёш бола бўлган. Яна бир кишини қидириш ишлари давом этмоқда. Унинг ҳам ҳаётдан кўз юмгани тахмин қилинмоқда.**

**● Қуролланган кишилар Мали шимолида жойлашган Габери қишлоғига ҳужум қилди. Натижада ўн киши ҳалок бўлган. Ҳодиса Малининг Севарэ шаҳридаги меҳмонхонага уюштирилган ҳужум билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги ҳозирча аниқ эмас. Эслатиб ўтамиз, аввалроқ номаълум шахслар Малининг марказий қисмидаги меҳмонхонага ҳужум қилган эди.**








# УЧТЕПА ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ, ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР САРИ








**Тиббиёт**

## ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИ МУҲОФАЗАДА

***Аҳоли саломатлигини асраш, тиббий маданиятни янада юксалтириш жамиятимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланган.***

Тумандаги 23-оилавий поликлиникада, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш, аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Поликлиника 9 та маҳаллага хизмат кўрсатади. Бинобарин, 33100 аҳоли, шундан 21612 нафар катталар, 1320 та ўсмирлар ва 8911 нафар болаларни қамраб олган муассасада инсонлар саломатлигини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Физиотерапия, рентген, марказий стерилизация бўлимлари, дорихона, клиник ва бактериологик бўлими, лор ва стоматолог, гинеколог, кардиолог, терапевт шифокор хоналари замонавий тиббий техник жиҳозлар билан таъминланган.

— Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ҳар томонлама соғлом, етук ва баркамол авлодни камолга етказиш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан биридир, — дейди 23-оилавий поликлиника бош шифокори Саодат Дўстмуҳамедова. — Шундан келиб чиққан ҳолда соғлом оилани шакллантириш, юқумли ва бошқа турли касалликларнинг олдини олиш борасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб борамиз. Тиббиёт муассасамиз ва маҳалла ҳамкорлигида ўтказиладиган тадбирларимизда аҳолига эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, зарарли одатларнинг инсон соғлигига таъсири, ҳомиладор аёллар ва бир ёшгача бўлган болалар парвариши хусусида малакали мутахассисларимиз томонидан керакли маслаҳатлар, йўриқномалар бериб борилади. Зеро, юртимизда инсонлар соғлигини яхшилаш, тиклаш ва муҳофазалаш ҳар бир тиббиёт ходимининг вазифасидир.

Ҳа, инсон саломатлиги йўлида олиб борилаётган ҳар қандай иш оқ халат кийган шифокорлардан билим, тажриба, ўз касбига фидойилик, энг асосийси эса, маҳорат ва тезкорликни талаб этади. 23-оилавий поликлиникада ҳам халқимизнинг саломатлигини асраш ва даволаш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

***Тумандаги «KNITTIG TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти корхонасида бўлганимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражаси ва турлари билан танишар эканмиз Юртимиз иқтисодиётини янада ёрқин ва истиқболли кўргандай бўлдик.***

**Иқтисодиёт**

## КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Бинобарин, корхонада ҳам ишлаб чиқариш суръати кескин жадаллашган. Сифатга эътибор ниҳоятда кучли. Ҳар бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури назоратда.

Корхона 2011 йилда ташкил топган бўлиб, саккиздан ортиқ турдаги ип ва мато маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— Маҳсулот турларини янада кўпайтириб, сифат ва самарадорликка алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз, — дейди корхона директори Абдуқаҳҳор Ҳакимов. — Айни пайтда маҳсулотларимизнинг асосий қисмини ички бозорларга тарқатмоқдамиз. Мақсадимиз келажакда маҳсулот турларини янада кўпайтириб, сифатини яхшилаб чет мамлакатларга ҳам экспорт қилиш.

Яхши ният, изланиш ва интилиш истиқболли келажакка ишора. Умид қиламизки «KNITTIG TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар яқин келажакда дунё бозорлари расталарида ўз ўрнига эга бўлади.

**Таълим**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТУҲФА

***Ўзбекистонимизнинг 24 йиллик шодиёналари яқинлашаётган айни кунларда ўқув муассасаларида янги ўқув йилига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.***

Тумандаги 109-умумтаълим мактабида ҳам айни пайтда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Қайта таъмирдан чиқаётган ўқув биносига ташрифимиз давомида «Малик работ махсус қурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчилар жамоасининг жонбозлик билан меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлдик.

— Баркамол авлод таълим-тарбияси, ўқитиш ва тарбиялаш учун шарт-шароитларни яратиш борасида мамлакатимизда бир қатор хайрли ишлар олиб борилмоқда, — дейди мактаб директори Нигора Қосимова. — Мақсадимиз келажагимиз эртаси бўлган ёшларни ҳар томонлама билимли, изланувчан, комил инсонлар қилиб камолга етказишдир.

Янги ўқув йилида ўзига хос шинам ва кўркам кўринишда ўқувчиларни бағрига чорлаётган мактаб келажакда кўпгина иқтидорли ёшларни тарбиялашга хизмат қилади.

Ўқув муассасасида компьютер, физика, химия, биология лаборатория хоналари бугунги кун талабига жавоб берадиган ускуналар билан тўлдирилган.

***Ҳар биримизнинг ҳаётимизни, яшаш тарзимизни, оилалардаги маънавий муҳит ва фарзандлар тарбиясини маҳалладан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Тумандаги Журжоний номли маҳаллага қилган сафаримиз давомида бунга яна бир бор амин бўлдик. Чунки маҳалла инсонларни бир-бирига жипслаштириб турадиган, уларни ҳамкор, ҳамқадамликка чорлайдиган мўъжазгина маскандир.***

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУЖАССАМ

3362 нафар аҳоли истиқомат қиладиган бу маҳалла нафақат туманда, балки пойтахтимизда ҳам ўзига хос нуфузга эга. Айни дамда маҳалла аҳли байрамни муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

– Маҳалланинг обод ва кўркам бўлиши фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги, ўзаро меҳр-оқибатига бевосита боғлиқ, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтинур Саидов. – Чунки аҳиллик бор жойда тинчлик ва хотиржамлик бўлади. Мустақиллик бизга эркинликни инъом этди. Имкониятлар эшиги очиб берилди, бу эса юртимиз келажагининг нурли истиқболидан дарак беради. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган эзгу ишлар янада равнақ топсин, юртимиз завол кўрмасин. Мустақилликнинг йигирма тўрт йиллик қутлуғ санаси барчамизга муборак бўлсин.

Дарҳақиқат, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз бахтли ва саодатли бўлишса бу бизнинг бахтимиздир. Оила тинчлиги, фарзандлар тарбияси, ёшларни меҳр-оқибат, иймон-эътиқод тимсолида камолга етказиш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги фазилатлар ҳар бир маҳалла, унинг фаоллари ва аҳлининг зиммасидаги бурчдир. Оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, тўй-ҳашамларни тартибга солиш каби вазифалар ҳам маҳалла деб аталмиш маънавият ўчоғининг вазифаси ҳисобланади. Журжоний номли маҳаллани эса бу борада ибрат қилиб кўрсатса арзийди.

**Саҳифа материалларини Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади**
**Ислом Исмоилов олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кун давом этган мажлиси якунларига кўра ҳаммаси бўлиб 11 та масала, шу жумладан, 6 та Қонун кўриб чиқилди.

Хусусий мулкнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга, тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ҳамда преференциялар сўзсиз қўлланилишига, тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган қонунларнинг қабул қилиниши Сенатнинг бўлиб ўтган ялпи мажлисидаги катта аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бу эса, шак-шубҳасиз, мамлакатимиздаги инвестиция муҳитининг яхшиланишига, тадбиркорлар фаоллигининг ошишига, ижтимоий-иқтисодий бозор ислоҳотларининг чуқурлашишига ва ўз навбатида, аҳоли фаровонлигининг юксалишига, мамлакатимиз гуллаб-яшнашига кўмаклашади.

Сенат томонидан маъқулланган ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, жиноий жазолар тизимини эркинлаштириш ва инсонпарварлик руҳи билан йўғиришга қаратилган қонунларга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Сенаторлар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни, ушбу соҳадаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишни, шунингдек, мамлакатимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлашни давом эттиришни, касалликларнинг олдини олиш тизимини ривожлантиришни назарда тутувчи қонунларни ҳам маъқулладилар.

Маъқулланган қонунлар ҳамда қабул қилинган қарорлар демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга, аҳолининг турмуш даражасини, мамлакатимиз фаровонлигини оширишга кўмаклашади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

## ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАР

***Мамлакатимиз тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий эканини, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришилган ютуқларнинг аҳамиятини халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш оммавий ахборот воситалари ходимларининг долзарб вазифасидир.***

Республика Маънавият тарғибот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинарда шу ҳақда сўз борди. Унда таниқли олимлар, экспертлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари, босма ва электрон ОАВ вакиллари иштирок этди.

Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсат халқимизнинг тинч-осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришида, барча соҳалардаги ислоҳотлар муваффақиятида, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўси тобора юксалишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори истиқлол айёмига қизғин ҳозирлик кўриш, уни юксак савияда кутиб олишга оид ишларни кенг, изчил ва тизимли тарзда йўлга қўйишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини, ўтган давр мобайнида халқимиз қўлга киритган улкан ютуқларнинг моҳияти ва аҳамиятини, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг тараққиёт одимлари, қўлга киритган натижаларини бутун дунё тан олаётгани, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаб бораётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омилини юртдошларимиз тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва таҳлил қилиш журналистлардан катта маҳорат, ёритилаётган мавзуни чуқур ўрганишни талаб этади. «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирларни чуқур таҳлилий асосда, халқчил, самимий ёритиш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни, журналистларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар, халқаро жараёнларни ёритишда эътибор қаратиши зарур бўлган жиҳатлар, Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрамига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва уларни етказиб бериш усулларига доир маърузалар тингланди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИДА СОҒЛОМ МУҲИТНИНГ АҲАМИЯТИ

***Пойтахтимиздаги Ботаника боғида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Инсон саломатлигида соғлом муҳитнинг аҳамияти» шиори остида матбуот анжумани ва экологик акция ташкил этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, спортчилар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Б.Алихонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида экологик муаммоларнинг салбий таъсирини камайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жамиятимизни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Бу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ташкилотлари билан бирга нодавлат сектор ҳам фаол иштирок этмоқда. 2008 йил ўз фаолиятини бошлаган Ўзбекистон Экологик ҳаракати экологик муаммоларни бартараф этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар салоҳиятини бирлаштириш, экологик қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолини атроф-муҳитни муҳофазалашга кенг жалб этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик таълим-тарбия ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Экоҳаракатдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар томонидан ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган тўққизта қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқариш жараёнига экологик соф технологияларни татбиқ этиш Экоҳаракат фаолиятининг муҳим йўналишидир. Тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида юртимизнинг чекка ҳудудларидаги бир қатор ижтимоий объектлар қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминланди. Фермер хўжаликларида энергия ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш юзасидан лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишларда жамоатчиликнинг фаоллигини кучайтиришда ОАВ фаолияти муҳим ўрин тутади. Анъанавий тарзда ўтказилаётган экожурналистика танлови бу борадаги тарғибот ишларини кучайтириш, журналистларнинг малака ва маҳоратини оширишда ўз самараларини бераётир.

Жамиятимизда амалга оширилаётган экологик дастурлар ижросини таъминлашда ёшларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини кучайтириш мақсадида Экоҳаракатнинг ёшлар қаноти фаолияти йўлга қўйилган. Ўтган давр мобайнида ёшлар қаноти «тенгдош – тенгдошга» тамойили асосида фаоллик билан иш юритиб, амалга оширилаётган лойиҳаларга йигирма мингга яқин йигит-қизни жалб этишга эришди. Талабалар ўртасида ўтказилаётган «Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши ғоя» танлови интеллектуал салоҳиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, долзарб экологик муаммоларга оид илмий изланишларни ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Экоҳаракатнинг нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлардаги илм-фан муассасалари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда.

Экоҳаракат ҳузурида ташкил этилган «Ишонч телефони»га тушаётган мурожаатларни тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўз вақтида ҳал этишга қаратилаётган эътибор аҳолининг табиат муҳофазаси билан боғлиқ ишларда фаоллигини оширишга хизмат қилаётир.

Тадбир доирасида Ботаника боғида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Халқимиз азал-азалдан ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарликни ҳамма нарсадан устун қўйиб келган. Мана шу ноёб хислати билан бутун дунёга танилган. Бугунги кунда она Ватанимиз — Ўзбекистонимизда бир юзу ўттиздан ортиқ миллат ва элатларнинг бир оила фарзандларидек тинчлик-тотувликда яшаётганининг сири ҳам шундадир балки.***

**Маҳалла**

# БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Мирзакалон Исмоилий номли маҳалла ҳақида ҳам мана шундай илиқ фикрларни билдирсак хато бўлмайди. Тинчлик – осойишталик маскани бўлган ушбу мўъжазгина маҳаллада 30 дан ортиқ миллат вакилларидан иборат 3762 нафар аҳоли ўзаро ҳамжиҳатликда дўсту биродар бўлиб яшаб келмоқдалар.

— Маҳалламизда озодалик, бунёдкорлик, хайрли ва эзгу юмушларга ҳамма бирдек ўз ҳиссасини қўшади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилбарой Қодирова. — Ҳудудимиздаги 1035 та оиланинг ҳолидан хабар олиш, кекса, кўмакка муҳтож, ногирон инсонларга ёрдам беришда ҳеч ким ўз мурувватини аямайди. Азалий қадриятларимиз бешиги бўлмиш Наврўз, эркимиз, ҳуқуқимиз, қадр-қимматимиз қўлга киритилган кун — Мустақиллик байрами бўладими, турли шонли саналарда ўтказиладиган ҳашарлар, тадбирларда барча аҳоли фаол иштирок этади. Имкон даражасида маҳалламизни яшилликка, мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда гулу чечакларга бурканган гўзал ва ораста масканга айлантиришга интилиб келмоқдамиз.

Аҳолининг иш билан бандлиги, айниқса ўсиб келаётган ёшларнинг ўқиши, билим олиши, турли касб-ҳунарни эгаллашига эътиборни қаратганмиз. Ҳудудимиздаги 18-умумтаълим мактаби, «Динамо» ва «Ёшлик» спорт комплекслари мураббий ва устозлари фарзандларимизни спортнинг ўзлари хоҳлаган тури билан шуғулланишларига имкон яратиб беришган. Яқинда бунёд этилган 3 та болалар спорт майдончаси ҳам улар хизматида.

Шу билан бирга вояга етмаган ўғил-қизлар тарбияси ҳам алоҳида эътиборда. Бунда маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хайри Қайзиева, хотин-қизлар комиссияси раиси Зуҳра Лутфиддинова, 103-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, майор Максим Никитин, лейтенант Рустам Аҳмедовларнинг яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганлари муҳим омил бўлмоқда. «Маҳалла-мактаб-оила» концепцияси асосида олиб борилаётган режали ишлар самараси туфайли ушбу маҳаллада ажримларнинг олди олиниб, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши қайд этилмаган.

— Қадр-қиммат бор жойда иш унумли, кўнгил хотиржам бўлади, — дея фикрини давом эттиради маҳалла раиси. — Мақсадимиз маҳалладошлар билан биргаликда олдимизга қўйилган барча эзгу ва хайрли мақсадларни амалга ошириш. Фарзандларимизни элу юртига муносиб этиб тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшиш.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

# КЕКСАЛАРИМИЗ — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

***Пойтахтимизда «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ижтимоий шериклик асосида амалга ошираётган ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан давлат ижтимоий буюртмаси сифатида молиялаштирилган «Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз» лойиҳаси тақдимотига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Унда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда давлат буюртмаси сифатида молиялаштирилган ижтимоий лойиҳанинг мақсад ва вазифалари, амалга ошириш механизмлари, ундан кутилаётган натижалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

2006 йил 31 августдан буён «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси асосида фаолият кўрсатиб келаётган «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетасида фуқаролик жамияти институтлари, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, сиёсий партиялар фаолияти, ёшлар, жамият ҳаётидаги ҳар бир воқеа-ҳодиса, янгилик, муаммоларга алоҳида эътибор қаратилади.

— «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг 50-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз» лойиҳаси асосида жамиятнинг барча қатламлари, айниқса, ёшларни кексалар ҳолидан тез-тез хабар олишга ундаш, уларга ғамхўрлик кўрсатишга чорловчи тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш назарда тутилган, — дейди «Жамият» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Қаҳрамон Сайдалиев. — Бундан ташқари, кенг жамоатчиликни мамлакатимизда кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёши улуғ инсонларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ёшларда ота-она, кекса инсонларни ҳурмат қилиш, ғамхўрлик кўрсатиш туйғусини шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида хабардор этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, лойиҳа орқали «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, кексаларнинг ижтимоий муҳофазасига қаратилаётган эътибор, ғамхўрлик жараёнлари газета саҳифаларида турли шаклларда мунтазам акс эттириб борилмоқда. Айни жараёнларда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, бу борада улар томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар, туман ва маҳаллаларда кексаларнинг қизиқиши бўйича ташкил этилган клублар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун яратилган шароитлар, давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган эътиборнинг амалий намуналарини кенг ёритиш лойиҳанинг асосий вазифаларидан саналади. Ушбу мақсадларга эришиш учун газета саҳифаларида «Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз» деб номланган махсус саҳифа ташкил этилди.

Кексалар мавзусини ёритишга ёндашувни ўзгартириш, бу масалага журналистлар ва жамият эътиборини янада кўпроқ қаратиш, кексаларимиз ҳақиқатдан ҳам бебаҳо бойлигимиз эканини ёш авлод онгу тафаккурига чуқур сингдириш мақсадида таҳририят томонидан «Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз» деб номланган ижодий танлов ҳам эълон қилинди. Лойиҳани амалга ошириш муддати бир йил бўлиб, 2016 йил 1 июлига қадар давом этади. Лойиҳа доирасидаги танлов ғолиблари эса 2016 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида эълон қилинади.

Шунингдек, лойиҳа доирасида республикамиз бўйича 800 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, нафақадаги журналистлар ва бошқа нуронийларнинг «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетасига бепул обуна қилиш назарда тутилган.

Анжуманда кексаларни эъзозлаш бўйича қилинаётган ишларни кенг ёритиш борасида батафсил фикр алмашилди, лойиҳа юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***«Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан шаҳарча ҳудудида жойлашган маҳаллалар ва мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳларидаги ўқувчи-ёшлар ўртасида «Ёш рассомлар» кўрик-танлови ташкил этилди.***

# ИҚТИДОРЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

— Мусобақани ўтказишдан асосий мақсад ёшлар онгига ватанга муҳаббат, садоқат каби тушунчаларни сингдириш, турли ёт ғоялардан сақланишлари учун мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, янги-янги иқтидорли ёшларни кашф этишдан иборатдир, — дейди «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Сардорлар Кенгаши аъзоси Азиза Зокирова. — Ўйлаймизки, бу каби тадбирлар болажонларнинг иқтидорларини юзага чиқариш билан бирга ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишларига замин яратади.

Мусобақада болажонлар «Ўзбекистон Ватаним!», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!» шиори остида ватан, соғлом турмуш тарзи, табиат манзарасини акс эттирган расмлар чизишди. Натижаларга кўра 1-ўрин «Жийдали» маҳалласида истиқомат қилувчи Музаффар Тўлқиновга насиб этди. 2-ўринни 261-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Юлдузча» номли оромгоҳдан Нилуфар Акбарова, 3-ўринни «Университет» маҳалласида истиқомат қилувчи Бобур Кенжаев эгалладилар.

**Зарина РУСТАМОВА**



*Ҳунар — ҳунардан ризқинг унар*
**Отабек Мирсоатов олган сурат**

# МУЗЕЙЛАР — МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

***Музейлар бой тарихимиз, аждодларимизнинг ўлмас меросидан ҳикоя қилувчи маданият ва маънавият ўчоғидир. Ушбу масканлар ёшларнинг билим ва дунёқарашини бойитиш, қалбида Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.***

Ёз фаслида музейлар ҳар доимгидан-да гавжумлашади. Таътил даврида болалар бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида музейларга ошиқади.

Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом уй-музейи ҳам шу кунларда болаларнинг севимли масканига айланган. Бу ерда адабиётга ихлосманд ёшлар шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан танишмоқда.

Музей ранг-баранг экспонатларга бой. Бу ерда сақланаётган нодир асарлар, қўлёзмалар, иллюстрациялар севимли шоиримиз ҳақида ёрқин тасаввур беради.

– Шеър ёзишга қизиқаман, – дейди Олмазор туманидаги 134-умумтаълим мактаби ўқувчиси Азиза Жўраева. – Адабиёт дарслари орқали Ғафур Ғулом шеърлари, асарлари билан яхши танишман. Бу ерга келиб, адибнинг ижоди ҳақидаги билимларим янада бойиди. Айниқса, музейнинг болалар бўлими менда катта таассурот уйғотди. Ажойиб шеър ва ҳикояларни ўқидим. Адибнинг ҳажвий ҳикояларини кутубхонадан топиб ўқишга аҳд қилдим.

– Таътил кунлари пойтахтимиздаги музейларни айланиб, бой тарихимиз, аждодларимизнинг илмий-маданий мероси билан яқиндан танишдим, – дейди Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Ҳилола Воҳидова. – Ғафур Ғулом уй-музейига саёҳатим давомида нафақат атоқли шоир ҳаёти, балки ўзбек адабиёти намояндаларининг адиб билан ҳамкорлиги ҳақида ҳам кўпгина маълумотларга эга бўлдим. Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» қиссаси асосида ишланган фильм менга жуда ёқади. Бу ерда 1935-36-йилларда минглаб китобхонлар қалбидан жой олган «Шум бола» асари «Довдираш» номи билан илк бор лотин алифбосида чоп этилгани, иккинчи нашри 1955 йилда «Шум бола» номи билан китобхонлар ҳукмига ҳавола қилингани, учинчи нашри орқали асар қаҳрамони Қоравой чет эллик китобхонларда ҳам катта қизиқиш уйғотганини билиб олдим. Асарнинг бир неча тилларга таржима қилинган нусхаларини кўриб, адабиётимизга ихлосим янада ортди.

Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказишда маънавий тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.

Ватанимиз тарихи, аждодларимиз бой маданий-маънавий меросини ўрганишда Ғафур Ғулом уй-музейи каби маданият масканларининг аҳамияти катта, улар ёшлар тафаккурини юксалтиришга хизмат қилади.

**Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,**
**ЎзА мухбири**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежи ошхонасининг 156 $м^2$ майдонини умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга ижарага бериш учун

**ТЕНДЕР ЎТКАЗАДИ**

Аризалар 20 августгача қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади. М.Уйғур кўчаси, 485-уй. Тел: 247-75-69.

Тошкент Қурилиш ва Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ошхонасида 2015-2016 ўқув йилида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида фаолият олиб бориш учун

**ТЕНДЕР ЎТКАЗАДИ**

Аризалар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади.
Манзил: Умид кўчаси, 16-уй.
Тел: 227-14-08, 246-59-99.

